

# “Сув хужалиги менежменти” фанидан маърузани ўқитиш технологияси

## 6-Мавзу: Сув хўжалиги инфратузилмаси

### 1.Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Сув хўжалиги инфратузилмаси тушунчаси, мазмун ва моҳияти.</li> <li>2. Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш.</li> <li>3. Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирлари.</li> <li>4. Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмаси ривожланиши.</li> </ol>
Ўқув машғулотининг мақсади: Сув хўжалиги инфратузилмаси тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Сув хўжалиги инфратузилмаси тушунчаси, мазмун ва моҳиятини тушунтириш;</li> <li>- Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш йўллари тушунтириш;</li> <li>- Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирларини изоҳлаш;</li> <li>- Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмаси ривожланиши бўйича тасаввурга эга бўлиш;</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Сув хўжалиги инфратузилмаси тушунчаси, мазмун ва моҳиятини изоҳлайди;</li> <li>- Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш йўллари тушунтиради;</li> <li>- Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирларини изоҳлаб айтиб бера олади;</li> <li>- Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмаси ривожланиши бўйича тасаввурга эга бўлади;</li> </ul>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, маркер, скотч, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гурухлар билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

**Маъруза машғулотининг технологик картаси**

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>талаба</b>
1-босқич. (10- мин.)	<p>1.1. Ўтган дарсда “Менежмент қарорлари ва уларни қабул қилиш йўллари” мавзусини вазифа қилиб берилганлигини эълон қилади.</p> <p>Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни куйидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади: (1- илова).</p> <p>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.</p> <p>(+) – янги маълумот.</p> <p>(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.</p> <p>Талаба билган нарсани тасдиқлайди, унга нима янги маълумот эканлигини сўрайди.</p>	<p>Эшитади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (20 мин.)	<p>2.1. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Менежмент қарорлари ва унинг мазмунини тушунтириб беринг?</li> <li>- Менежмент қарорларини ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?</li> <li>- Менежмент қарорларини такомиллаштириш йўллари нимадан иборат?</li> <li>- Бошқарув қарорларини тайёрлаш жараёни ва қабул қилиш босқичларини тушунтиринг?</li> <li>- Бошқариш қарорларининг самарадорлигини ошириш йўллар нималардан иборат?</li> </ul>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p>
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. 6-мавзуни эълон қилади. Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Ҳар бир режа бўйича тушунча берилади (2-5 иловалар).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
4-босқич. Яқуний (10 мин.)	<p>4.1 Мазкур мавзу бўйича умумий хулоса қилади ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (6-7 иловалар)</p> <p>4.2. Уйга вазифа қилиб ВЕННА диаграммаси, Т-жадвалидан фойдаланиб, Менежмент қарорлари ва уларни қабул қилиш йўллари бир-бирига боғлиқлик хусусият-ларини, афзалликлари ва камчилик-ларини кўрсатиб беришни эълон қилади.</p> <p>4.3.Қоидаларини тушунтириб ўтади</p>	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

## «Менежмент қарорлари ва уларни қабул қилиш йўллари»

мавзусини ўрганишда

### “Инсерт усули” дан фойдаланиш

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Бошқарув қарорлари				
Стратегик қарорлар				
Тактик ёки оператив қарорлар				
Ижтимоий - иқтисодий қарорлар				
Техник қарорлар				
Ижодий қарорлар				
бошқарувда меҳнат предмети				
моддий ва маънавий эҳтиёжлар				

### Сув хўжалиги инфратузилмалари

- қишлоқ хўжалиги ва бошқа макроиқтисодиёт тармоқларининг ривож топиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган ирригация иншоотларидан ташкил топган фаолияти асосан истеъмолчиларни сув билан кафолатли таъминлашга қаратилган, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг қуйи тизимидир.

### Иқтисодиёт тармоқлари томонидан сур ресурсларидан фойдаланиш

Ўзбекистон ички дарёларнинг 11,5 км<sup>3</sup> ва трансчегаравий дарёларнинг 42,0 км<sup>3</sup> миқдоридаги оқимидан фойдаланиш имкониятига эга.

Сув ресурслари ҳажмининг 84 фоизни оладиган суғориладиган деҳқончилик сув ресурсларининг энг катта истеъмолчиси ҳисобланади.

Сув билан биринчи навбатда таъминланиш устуворлиги қуйидагича:

- ичимлик ва коммунал-хўжалик сув таъминоти;
- саноат;
- қишлоқ хўжалик сув таъминоти;
- ҳукуматнинг махсус қарори билан тасдиқланган сув истеъмолчилари.
- суғориш тизмлари ва кичик дарёлар бўйича санитар оқимлар.

### Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирлари

Жамиятнинг ҳаётий таъминоти ва экотизимни узоқ муддатда сақлаб қолиш мақсадида истиқболдаги ривожланишининг учта сценарийси қабул қилинган:

- “Ёмонлашув сценарийси” (“Минимум”) - макроиқтисодий ривожланиш ва ўзгаришларнинг паст даражаси, сув инфратузилмаси ва қишлоқ хўжалигига инвестиция миқдорининг камлиги;

- “Мустаҳкамланиш сценарийси” (“Оптимум”) - ташқи инвестициялар ва иқтисодий фаолликни рағбатлантириш чоралари воситасида иқтисодиётни жадал барқарорлаштириш ва қайта қуриш;

- “Тикланиш сценарийси” (“Максимум”) - ички ва ташқи инвестициялар асосида қишлоқ хўжалиги, ирригация ва дренаж соҳаларида макроиқтисодий ривожланиш ва тузилмавий ўзгаришларнинг энг юқори даражаси.

***Ичимлик ва коммунал сув таъминоти.***

Келажакда тармоқнинг яқин ва ўрта истиқболдаги эҳтиёжлари куйидагича:

**яқин истиқболда - йилига 6,2 км<sup>3</sup> (2010);**

**ўрта истиқболда - 8,1 км<sup>3</sup> (2025).**

***Қишлоқ хўжалиги сув таъминоти.***

Келажакда унинг эҳтиёжлари куйидагича бўлиши мумкин:

**яқин келажакда - 1,5 км<sup>3</sup> (2010);**

**ўрта истиқболда - 1,7 км<sup>3</sup> (2025).**

**Хулоса**


Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар бир неча босқични босиб ўтди. Ислохотларнинг дастлабки босқичида йирик ишлаб чиқариш бирликлари - колхоз (совхоз) лар оилавий пудратга асосланган ширкат хўжаликларига айлантирилди. Ислохотларнинг кейинги босқичлари ширкатларга нисбатан ўз самара-дорлигини яққол намоён этган фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилди. Йирик хўжалиklarнинг жадал тугатилиши ва кўплаб мустақил ишлаб чиқариш бирликлари - фермерлар хўжалиklarнинг ташкил этилиши, илгарилари ширкат хўжалиklarни қарамоғида бўлган ички хўжалик ирригация ва дренаж тизимини бошқаришда ва молиялаштиришда маълум бўшлиқнинг вужудга келиши олиб келди. Ҳукумат мазкур бўшлиқни тўлди-риш мақсадида сув истеъмолчилари уюшмаларини (СИУ) ташкил этишни рағбатлантирмоқда. СИУ мутлақо янги институт бўлмай, каттагина тарихга эгадир.

### Назорат саволларига жавоб беринг.

1. Сув хўжалиги инфратузилмаси деганда нимани тушунасиз?
2. Сув хўжалиги инфратузилмаси мазмун ва моҳияти нималардан иборат?
3. Иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан қандай фойдаланилади?
4. Сувни кафолатли етказиб беришни таъминлаш чора-тадбирлари нималардан иборат?
5. Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмаси ривожланиши бўйича қандай тасаввурга эгасиз?
6. Сув хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини яхшилаш йўллари нималардан иборат?

**1-Топширик.** Сув хўжалиги инфратузилмаси фаолияти нима учун зарур?


#### “Нима учун” схемаси



## 2-Тоширик: Сув хўжалиги инфратузилмаси объектларининг самарадорлик омиллари

### “Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



## 3-Тошриқ: Сув хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини яхшилаш йўллари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

<b>Савол</b>	Сув хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини яхшилаш йўллари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?
<b>(Ф)</b> -Фикрингизни баён этинг	
<b>(С)</b> -Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
<b>(М)</b> -Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
<b>(У)</b> -Фикрингизни умумаштиринг	

### ФСМУ технологияси қондаси.

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.Тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб,тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.

